



New Day in Medicine  
Новый День в Медицине

NDM



# TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.  
EISSN 2181-2187

11 (85) 2025

**Сопредседатели редакционной  
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,  
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:  
М.И. АБДУЛЛАЕВ  
А.А. АБДУМАЖИДОВ  
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ  
Л.М. АБДУЛЛАЕВА  
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ  
М.А. АБДУЛЛАЕВА  
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ  
Б.З. АБДУСАМАТОВ  
М.М. АКБАРОВ  
Х.А. АКИЛОВ  
М.М. АЛИЕВ  
С.Ж. АМИНОВ  
Ш.Э. АМОНОВ  
Ш.М. АХМЕДОВ  
Ю.М. АХМЕДОВ  
С.М. АХМЕДОВА  
Т.А. АСКАРОВ  
М.А. АРТИКОВА  
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)  
Е.А. БЕРДИЕВ  
Б.Т. БУЗРУКОВ  
Р.К. ДАДАБАЕВА  
М.Н. ДАМИНОВА  
К.А. ДЕХКОНОВ  
Э.С. ДЖУМАБАЕВ  
А.А. ДЖАЛИЛОВ  
Н.Н. ЗОЛОТОВА  
А.Ш. ИНОЯТОВ  
С. ИНДАМИНОВ  
А.И. ИСКАНДАРОВ  
А.С. ИЛЬЯСОВ  
Э.Э. КОБИЛОВ  
А.М. МАННАНОВ  
Д.М. МУСАЕВА  
Т.С. МУСАЕВ  
М.Р. МИРЗОЕВА  
Ф.Г. НАЗИРОВ  
Н.А. НУРАЛИЕВА  
Ф.С. ОРИПОВ  
Б.Т. РАХИМОВ  
Х.А. РАСУЛОВ  
Ш.И. РУЗИЕВ  
С.А. РУЗИБОЕВ  
С.А. ГАФФОРОВ  
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)  
Ж.Б. САТТАРОВ  
Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)  
И.А. САТИВАЛДИЕВА  
Ш.Т. САЛИМОВ  
Д.И. ТУКСАНОВА  
М.М. ТАДЖИЕВ  
А.Ж. ХАМРАЕВ  
Б.Б. ХАСАНОВ  
Д.А. ХАСАНОВА  
Б.З. ХАМДАМОВ  
Э.Б. ХАККУЛОВ  
Г.С. ХОДЖИЕВА  
А.М. ШАМСИЕВ  
А.К. ШАДМАНОВ  
Н.Ж. ЭРМАТОВ  
Б.Б. ЕРГАШЕВ  
Н.Ш. ЕРГАШЕВ  
И.Р. ЮЛДАШЕВ  
Д.Х. ЮЛДАШЕВА  
А.С. ЮСУПОВ  
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ  
М.Ш. ХАКИМОВ  
Д.О. ИВАНОВ (Россия)  
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)  
DONG JINCHENG (Китай)  
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)  
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)  
В.А. МИТИШ (Россия)  
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)  
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)  
А.А. ПОТАПОВ (Россия)  
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)  
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)  
А.А. ІЦЕГОЛОВ (Россия)  
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)  
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV(Azerbaijan)  
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН  
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ  
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал  
Научно-реферативный,  
духовно-просветительский журнал*

**УЧРЕДИТЕЛИ:**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ  
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский  
исследовательский центр хирургии имени  
А.В. Вишневского является генеральным  
научно-практическим  
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных  
изданий, рецензируемых Высшей  
Аттестационной Комиссией  
Республики Узбекистан  
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

**РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:**

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)  
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)  
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)  
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)  
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)  
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)  
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)  
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)  
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)  
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)  
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

**11 (85)**

**2025**

*ноябрь*

www.bsmi.uz  
<https://newdaymedicine.com> E:  
ndmuz@mail.ru  
Тел: +99890 8061882

Received: 20.10.2025, Accepted: 06.11.2025, Published: 10.11.2025

УДК 616.98:578.834.1 – 055.26 – 616.24 – 618.2

**COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИДА ҲОМИЛАДОРЛИККА ХОС РЕСПИРАТОР СИМПТОМЛАР ВА УЛАРНИНГ КЛИНИК-ДИАГНОСТИК ТАҲЛИЛИ**

Мирзоева Мехринисо Ризоевна <https://orcid.org/0000-0003-1014-9071>

Email: [mirzayeva4353@gmail.com](mailto:mirzayeva4353@gmail.com)

Ашурова Наргиза Абдуллаевна <https://orcid.org/0009-0005-8624-603X>

Email: [nargizaasurova9@gmail.com](mailto:nargizaasurova9@gmail.com)

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш., А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)

✓ **Резюме**

*Мазкур илмий иш COVID-19 инфекцияси билан касалланган 120 нафар ҳомиладор аёлда учрайдиган респиратор симптомлар, уларнинг клиник кечиши ва диагностикада қўлланиладиган лаборатор ва инструментал усулларни таҳтил қиласди. Юқори нафас йўллари ялигланиши беморларнинг 63%да кузатилди, иситма — 70%, қуруқ йўтал — 60%, нафас қисилиши — 30% ҳолатларда қайд этилди. Лаборатор кўрсаткичлар (CRB, D-диммер) ва пульсоксиметрия аҳамияти таъкидланди. Симптом оғирлиги триместрга қараб фарқ қиласди. Ушбу натижалар ҳомиладорларда COVID-19 инфекциясининг клиник ҳусусиятлари ва асоратларининг олдини олишида муҳим аҳамият касб этади.*

*Калит сўзлар: COVID-19, ҳомиладор аёл, нафас йўллари, бемор*

**РЕСПИРАТОРНЫЕ СИМПТОМЫ БЕРЕМЕННОСТИ ПРИ ИНФЕКЦИИ COVID-19 И ИХ КЛИНИКО-ДИАГНОСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ**

Мирзоева Мехринисо Ризоевна <https://orcid.org/0000-0003-1014-9071>

Email: [mirzayeva4353@gmail.com](mailto:mirzayeva4353@gmail.com)

Ашурова Наргиза Абдуллаевна <https://orcid.org/0009-0005-8624-603X>

Email: [nargizaasurova9@gmail.com](mailto:nargizaasurova9@gmail.com)

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан, г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)

✓ **Резюме**

*В данной научной работе анализируются респираторные симптомы, встречающиеся у 120 беременных женщин, инфицированных COVID-19, их клиническое течение и лабораторные и инструментальные методы, используемые в диагностике. Воспаление верхних дыхательных путей наблюдалось у 63% больных, лихорадка - у 70%, сухой кашель - у 60%, одышка - у 30%. Подчеркивалось значение лабораторных показателей (CRB, D-диммер) и пульсоксиметрии. Тяжесть симптома варьировалась в зависимости от триместра. Эти результаты имеют важное значение в клинических особенностях и профилактике осложнений инфекции COVID-19 у беременных.*

*Ключевые слова: COVID-19, беременная женщина, дыхательные пути, пациент.*

**RESPIRATORY SYMPTOMS OF PREGNANCY IN COVID-19 INFECTION AND THEIR CLINICAL AND DIAGNOSTIC ANALYSIS**

Mirzoeva Mekhriniso Rizoyevna <https://orcid.org/0000-0003-1014-9071>

Email: [mirzayeva4353@gmail.com](mailto:mirzayeva4353@gmail.com)

Ashurova Nargiza Abdullayevna <https://orcid.org/0009-0005-8624-603X>

Email: [nargizaasurova9@gmail.com](mailto:nargizaasurova9@gmail.com)

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi. 1  
Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)



✓ *Resume*

*This scientific work analyzes the respiratory symptoms encountered in 120 pregnant women infected with COVID-19, their clinical course, and the laboratory and instrumental methods used in diagnosis. Inflammation of the upper respiratory tract was observed in 63% of patients, fever in 70%, dry cough in 60%, and shortness of breath in 30%. The importance of laboratory indicators (CRB, D-dimer) and pulse oximetry was emphasized. The severity of the symptom varied depending on the trimester. These results are important in the clinical features and prevention of COVID-19 infection complications in pregnant women.*

**Keywords:** COVID-19, pregnant woman, respiratory tract, patient

### Долзарбилиги

Мавзунинг долзарбилиги ҳомиладор аёллар COVID-19 инфекциясида оғир респиратор синдром ривожланишига нисбатан ҳавф гурухига киради. Юқори нафас йўллари яллиғланиши, бронхоспазм ва гипоксия ҳам она, ҳам ҳомила соғлиги учун жиддий асоратларга олиб келиши мумкин [1,2]. Клиник белгилар кўп ҳолатларда оддий ОРВИдан фарқ қиласлиги туфайли COVID-19 ни эрта аниқлаш қийинлашади. Диагностика усулларини оптимал танлаш ва симптомларнинг ҳомиладорликка хос ўзгаришларини ўрганиш амалиётда мухим. COVID-19 пандемияси бутун дунёда соғлиқни сақлаш тизимини жиддий таҳдид остига кўйди [3,4]. Ҳомиладор аёллар организмдаги иммун ва физиологик ўзгаришлар туфайли инфекцияга сезгир хисобланади. Диафрагманинг кўтарилиши, нафас ҳажмининг қисқариши ва иммунитетнинг пасайиши респиратор симптомларнинг бошқача кечишига олиб келади (Ўзбекистон ССВ, 2022).

COVID-19 пандемияси бутун дунёда соғлиқни сақлаш тизими ва аҳоли саломатлиги учун жиддий таҳдид бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса ҳомиладор аёллар иммунитетнинг физиологик пасайиши ва нафас тизимидағи анатомо-физиологик ўзгаришлар туфайли коронавирус инфекциясига нисбатан сезгир гурух хисобланади. Ҳомиладорликда диафрагма кўтарилиши, ўпканинг функционал ҳажмининг қисқариши ва юрак-ўпка аппаратидаги жисмоний юкламалар нафас олишнинг самарадорлигини камайтиради [5,6]. Бу эса нафас йўллари инфекцияси, шу жумладан COVID-19 кечишини оғирлаштиради. COVID-19 инфекцияси ҳомиладор аёлларда нафас етказиш мушкуллиги, гипоксия ва респиратор асоратларни ривожлантириши мумкин. Беморларнинг клиник ҳолатини эрта аниқлаш ва тўғри баҳолаш нафас тизими асоратларининг олдини олишда мухим аҳамиятга эга. Шунингдек, ҳомиладорларда касалликнинг оғир кечиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, оддий ОРВИдан фарқ қиласди, бу эса диагностика ва даволаш усулларини аниқлашни талаб қиласди [7,8]. Ҳомиладорликда иммун жавобининг пасайиши ва ўпка фаолиятидаги ўзгаришлар респиратор инфекцияларнинг кечишини муракаблаштиради. Бу нафас йўллари асоратларини ва перинатал ҳавфларни оширади. Юқори нафас йўллари яллиғланиши, куруқ йўтал, иситма ва гипоксия ҳомиладорларда кенг тарқалган. Бу симптомлар оғирлик даражаси ва асорат ҳавфини баҳолашда асосий индикаторлар хисобланади [9]. Лаборатор кўрсаткичлар (CRB, D-диммер) ва пульсоксиметрия нафас функциясини баҳолашда мухим. Триместрга боғлиқ фарқлар касалликнинг оғирлик даражасини аниқлашда асос бўлади. COVID-19 инфекцияси нафас тизимига таъсир кўрсатган ҳолларда ҳомила ва она саломатлиги учун асоратлар ҳавфи ортганлиги қўшимча тадқиқотларни талаб қиласди. Бу ҳолатлар вактидан эрта тугруқ, гипоксия ва бошқа асоратларга олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон ва халқаро тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳомиладор аёллар COVID-19 бўйича алоҳида ҳавф гурухи хисобланади. Бу мавзу амалиётда клиник йўриқномалар ва даволаш стратегиясини такомиллаштиришда долзарб аҳамиятга эга.

**Тадқиқот мақсади:** COVID-19 инфекцияси билан касалланган 120 нафар ҳомиладорда респиратор симптомларнинг клиник-диагностик хусусиятларини ўрганиш ва аҳамиятини баҳолаш.

**Тадқиқот учун қўйилган вазифалар:** Касалик симптомларининг учраш частотасини аниқлаш, ҳомиладорлик учойликлар бўйича симптоматик фарқларини таҳлил қилиш, лаборатор

кўрсаткичларнинг аҳамиятини баҳолаш, пульсоксиметрия ва инструментал усусларнинг ташхислаш қийматини аниқлаш, асоратлар ривожланиш омилларини ўрганиш.

### **Материал ва усуслар**

120 нафар PCR-тести мусбат чиққан ҳомиладор аёл тадқиқотга жалб қилинди. Улар ҳомладорлик уч ойлиги (триместр) бўйича гурухларга ажратилди:

- 1-триместр — 35 бемор
- 2-триместр — 45 бемор
- 3-триместр — 40 бемор

Кўлланилган усуслар:

1. Клиник текширув: нафас қисилиши, йўтал, иситма,  $SpO_2$ ;
2. Лаборатор текширувлар: CRB, кон таҳлили, D-диммер;
3. Инструментал усуслар: пульсоксиметрия, ҳомила УЗИ, зарур бўлса рентгенография.

### **Натижга ва таҳлиллар**

#### **1. Клиник симптомлар**

Симптом	Беморлар сони	Фоизи (%)
Юқори нафас йўллари яллигланиши	76	63
Иситма	84	70
Қуруқ йўтал	72	60
Нафас қисилиши	36	30

#### **2. Триместрлар бўйича фарқлар**

- 1 - триместр (35 бемор): енгил клиник белгилар, гипоксия деярли учрамади.
- 2 - триместр (45 бемор): бронхоспазм ва нафас қисилиши ортади, 14 беморда  $SpO_2$  93–95% гача тушди.
- 3-триместр (40 бемор):  $SpO_2$  пастлаш ҳолатлари 10 беморда қайд этилди (89–92%), асоратлар хавфи юқори.

#### **3. Лаборатор кўрсаткичлар**

CRB ўртача: 14–24 мг/л, D-диммер ўртача: 1.8–2.5 мг/л, Лейкоцитоз: 55 беморда (46%)

#### **4. Инструментал кўрсаткичлар**

$SpO_2$ :

Енгил ҳолат: 96–98%

Ўртача оғир: 93–95%

Оғир ҳолат: 89–92%

#### **5. Асоратлар**

Пастки нафас йўлларига ўтиш: 14 бемор (12%), муддатдан олдин түгруқ хавфи: 3-триместрда 8 бемор (20%).

Тадқиқот натижалари ҳомиладорларда COVID-19 инфекцияси нафас тизимидағи физиологик ўзгаришлар туфайли бошқа гурухларга нисбатан фарқ қиласди. Триместрлар бўйича касалик белгиларининг оғирлиги ва асорат хавфи фарқ қиласди. Лаборатор кўрсаткичлар ва  $SpO_2$  эрта диагностика ва мониторингда муҳимдир (Абдухалилов ва Рузибоев, 2021; Нигматуллаева, 2020).

### **Хулоса**

Хулоса қилиб айтганда 120 бемор мисолида респиратор клиник белгилар кенг тарқалган, ҳомладорлик уч ойлигига боғлиқ фарқлар аниқланди, юқори нафас йўллари яллигланиши 63% ҳолатда қайд этилди, CRB, D-диммер ва  $SpO_2$  симптом оғирлигини баҳолашда муҳим, асоратлар 3-триместрда кўпроқ учрайди ва доимий мониторинг талаб этилади.



АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Yang Z. Course and outcomes of COVID-19 in pregnant women. NEJM, 2021.
2. Chen H., Guo J. Pregnancy outcomes of COVID-19. Lancet, 2020.
3. Ўзбекистон Республикаси ССВ. COVID-19 инфекциясини ташхислаш ва даволаш бўйича клиник протокол. Тошкент, 2022.
4. Абдухалилов X., Рузибоев А. COVID-19 инфекциясининг клиник кўринишлари. Тошкент тиббиёт журнали, 2021.
5. Қодирова С. Ҳомиладорларда COVID-19 кечиши хусусиятлари. ТПТИ Илмий ҳабарлари, 2021.
6. WHO. Clinical management of COVID-19. Geneva, 2023.
7. Нигматуллаева Н.М., Холиқова Г. Коронавирус инфекцияси даврида ҳомиладорларни кузатиш алгоритмлари. Ўзбекистон акушерлик ва гинекология журнали, 2020.
8. Тошкент тиббиёт академияси. Акушерлик ва гинекология клиник протоколлари. ТТА, 2021.
9. СЭОЖСХ. COVID-19 профилактикаси ва эпидемиологияси бўйича услугбий қўлланма. Тошкент, 2020.

Қабул қилинган сана 20.10.2025